

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИ – ЁШЛАРГА МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ЎРГАТИШДА ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**О. Раҳматов,
С.Хамроев,
Навоий ДПИ**

Бизга маълумки халқ анъаналари, урф–одатларида ибрат олса арзигулик ахлоқий нормалар мавжуд. Анъаналар ўзбек халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган бекиёс тарихий қиёфасидир. Биз анъаналаримизни, урф–одатларимизни қанчалик чуқур ўргансак, улардан таълим жараёнида унумли фойдалансак, муваффақиятимиз самарали бўлади фойдалана оламиз. Халқ анъаналаридан таълим жараёнида фойдаланиш, ўқувчи-ёшлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқаради, алоқаларни мустаҳкамлайди, уларни муайян мақсадга ундайди.

Ўқувчи –ёшларимизнинг ҳаётда фаол йўл тутишини кўп жиҳатдан уларнинг маданий, марифий, маънавий ва жисмоний камолоти белгилаб беради. Айниқса, тобора оммалашиб бораётган “Соғлом авлод учун”, деб номланган шиорнинг тантанаси биз белгилаб олган мақсад ва вазифаларнинг ечимини ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган уч босқичли –“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” каби спорт мусобоқалари ёшларимизни жисмонан етук, ахлоқан теран, маънан бой бўлиб шаклланишида етакчи ўрин эгаллаб келаётир. Миллий ҳаракатли ўйинларнинг яратилиши, бу бир киши фаолияти билан боғлиқ эмас. Аксинча уларни халқ яратган. Ўзбек халқининг азалий урф–одатлари, маданий мероси, анъана ва умуминсоний фазилатлар билан бойитилган ва тўлдирилган.

Миллий ҳаракатли ўйинлар ўқувчи–ёшлар жисмоний тарбиясида уларнисоғлом, эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирувчи манба ҳисобланади. Ўқувчиларга миллий ҳаракатли ўйинларни ўргатишда: ўқитувчиларимиз халқ анъаналари мазмун–моҳиятини чуқур илғаши, тушуниши ва уларни яхлит тарзда ўтилаётган мавзунини тушунтиришга йўналтира олиш қобилияти ва маҳоратига эга бўлиши керак. Хусусан, ўқувчиларни ўзбек халқининг ибтидоси, миллат сифатидаги шаклланиши ва тараққий топиши нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда миллий ҳаракатли ўйинларни ўргатиш, ўқувчи–ёшларнинг руҳий ҳис–туйғуларига таъсир эта оладиган, уларда маълум бир ўйин билан боғлиқ тушунчаларни ўзлаштиришга иштиёқ ва рағбат уйғота оладиган услуб ва шакллари излаб топиш, тегишли анъаналар билан боғлиқ миллий ҳаракатли ўйинларни кузатиш даврида олган назарий билимларни амалда, яъни машғулотларда мустаҳкам ўзлаштиришга имкон яратиши самарадорликка эришишнинг муҳим меъзонлари ҳисобланади.

Бизга маълумки, оила миллий урф–одат ва анъаналаримизнинг илк манбаи ҳисобланади. Унда ўсиб келаётган баркамол авлод ана шу урф–одат, кадрият ва

анъаналар асосида камол топади, тарбияланади. Турмуш маданиятимиздаги анъаналар, урф—одатлар, маросимларнинг тарбиявий, ижтимоий мазмуни билан ҳам ифодаланади. Чунончи урф—одатлар, маросим ва сайллар дўстлик, меҳнатсеварлик, ўзаро ҳамкорлик, тенглик, ватанпарварлик ғоялари билан сайқалланган қадимий халқ анъаналарига суянади, айна дамда уларга янги маъно ва мазмун беради. Ҳозирги кунда ҳам амалда бўлган “Оила, маҳалла, мактаб” концепсияси доирасида шу йўналишдаги мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги ўқувчи—ёшларни миллий ҳаракатли ўйинларни ўргатишда халқ анъана ва урф—одатларидан фойдаланишни ташкил этишимизда ўзига хос амалиёт мактабини ўтайди. Айнан маҳаллаларда ўтказиладиган “Обод маҳалла”, “Маҳалламиз футболи”, “Наъмунали хонадон”, “Маҳалламизда Наврўз”, “Ҳосил байрами” каби қадимий ва замонавий анъана, тадбир ва маросимлар ёшларни ҳар томонлама етук тарбиялашда улкан таъсир кучини ўтказади. Айниқса, маҳаллаларимиз ҳузурида қад ростлаган спорт иншоотлари, маънавият ва маърифат хоналари, ўзбек халқ ҳунармандчилиги билан боғлиқ турли йўналишдаги тўғарақларнинг ташкил қилинганлиги тарбиявий муҳитнинг юксак даражада шаклланганлигидан далолат беради. Айниқса, дарсдан бўш пайтларида ўқувчи—ёшларимизнинг гуруҳ бўлиб маҳалла, гузарларда тўп суришлари, турли хил ҳаракатли ўйинларни мустақил равишда ўйнашлари кишини қувонтиради ва соғломлаштирувчи восита бўлиб ҳам хизмат қилади.

Таълим ва тарбия мазмунига қўшимча равишда ташкил этилаётган маънавий—маърифий, ахлоқий—тарбиявий, таълимий жараёнда қадим урф—одат ва анъаналардан фойдаланиш манбалари улкан имкониятлар яратади. Жумладан, ўзбек халқ қаҳрамонлари, тарихий шахслар, буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган спорт тадбирларимизнинг кенг ва оммавий тарзда ташкил этилиши ўқувчи—ёшларга, уларнинг ҳаётий йўли, бекиёс фаолиятини ва жаҳон тамаддунига қўшган хизматларини тушунтиришимизда кенг имконият яратмоқда. Мисол тариқасида айтмоқчи бўлсак, таълим муассасалари ва маҳалла—гузарларда Паҳлавон Маҳмуд, соҳибқурон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби улуғ сиймолар жасорати ва хотирасига бағишлаб ўтказиладиган “Кураш”, “Кўпқари”, “Улоқ” каби тадбирлар ўқувчилар онгига нафақат билим, ҳаттоки, халқ миллий анъаналари ва тарихини олиб кириш орқали уларни ватанпарварлик, одамийлик, фидоийлик туйғулари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий ўйинларни ўргатишда халқ анъаналаридан фойдаланиш қуйидагиларни назарда тутиш лозимлиги билан белгиланади:

1. Ўқувчи—ёшларнинг жисмоний баркамоллигига, чиниқишига;
2. Умумий иш қобилиятининг ўсишига ёрдам бериш;
3. Ҳар хил шароитларда эркин ҳаракат қила олиш имконини берадиган билимлар ва ҳаракат малакаларини ҳосил қилиш;

4. Ҳаётий фаолиятга ёрдам берадиган ақлий ва иродавий фазилатларни, одоб–ахлоқ нормаларини таркиб топтириш.

Ўқитувчи–мураббий ўргатаётган ва ўқувчи–ёшлар онгли равишда бажарадиган ҳаракатлар, миллий ҳаракатли ўйинларни халқ анъаналари асосида ўзлаштиришда ёшларда ташкилотчилик, ташаббускорлик кўникмаларини тарбиялашда ёрдам бериши керак. Миллий ҳаракатли ўйинларни ташкил қилишда, ўргатишда уларнинг мазмунини, ўзаро боғлиқлигини унутмаслик, муайян ёшдаги ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш вазифасига мувофиқ келишини ҳисобга олиш керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек миллатининг ғурури, фахри, ифтихори, она-Ватанимизнинг кўп асрлик ўчмас тарихида, унинг жаҳон маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасида, хусусан жаҳон миқёсида фан, дин, адабиёт, санъат, соҳасида тан олинган буюк даҳоларимиз, давлат арбобларимиз фаолияти ва ижод наъмуналарида, халқимизнинг ўз она тилига, миллий ўзлигимизни акс этган урф–одат, анъана ва қадриятларимизга содиқлиги яққол намоён бўлганлигини гувоҳи бўлганмиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, халқ анъаналари асосида ўқувчи–ёшларимизни тарбияласак, уларга билим берсак, миллий қадрият ва бой маданий меросимиз билан таништираксак, ўйлайманки, ўқувчи–ёшларга миллий ҳаракатли ўйинларни ўргатишда халқ анъаналаридан фойдаланишда юксак самарадорликка эришган бўламиз.